

Энергетика вазирлигида коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш УСЛУБИЁТИ

1 боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур услубиёт Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлигига (кейинги ўринларда - Вазирлик) юкланган вазифа ва мажбуриятларни бажаришда юзага келиб чиқадиган коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш бўйича қоидаларни белгилаб беради ҳамда Вазирликда коррупциявий хавф-хатарларни баҳолашга ягона ёндашувни шакллантиришга қаратилган.

2. Қуйидагилар Вазирликдаги коррупциявий-хавф-хатарларни баҳолашнинг мақсади ҳисобланади:

Вазирлик фаолиятини комплекс таҳлил қилиш орқали коррупция хавф-хатарига энг кўп мойил бўлган функция ва лавозимларини белгилаш;

коррупциявий хавф-хатарларни минималлаштириш бўйича самарали олдини олиш чораларини ишлаб чиқиш.

3. Вазирликдаги коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш қуйидагиларни ишлаб чиқилишини назарда тутати:

Коррупциявий хавф-хатарлар харитаси;

Вазирликда, коррупцияга қарши курашиш чоралар (тадбирлар)ни, масъул шахсларни, амалга ошириш механизми ва муддатларини ўз ичига белгилаб олган Коррупцияга қарши курашиш бўйича дастур.

4. Вазирликдаги коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш ҳар йили ёки қуйидаги ҳолатлар юзага келганда амалга оширилади:

коррупциявий хавф-хатарларни бирламчи баҳолаш зарурияти;

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик талабларининг ўзгариши;

функция ёки тартиб-таомилнинг амалга оширилишига сезиларли равишда таъсир кўрсатувчи Вазирликнинг ички ҳужжатлари ўзгариши;

Вазирлик тузилмасининг, функцияларини амалга оширишида ўзига хос жиҳатларининг ўзгариши, янги функцияларнинг юкланиши;

Вазирлик функцияларининг коррупциявий хавф-хатар даражасига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган бошқа шарт-шароитларнинг келиб чиқиши.

5. Ушбу Услубиётда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

қолдиқ хавф-хатар – коррупциявий хавф-хатарни минималлаштиришга қаратилган чораларни қабул қилингандан сўнг қолувчи хавф-хатар (яъни, амалдаги коррупцияга қарши курашиш сиёсатни ва тартиб-таомилларни, хавф-хатарларни

минималлаштириш бўйича чора-тадбирларни ва жорий этилган назоратларни ҳисобга олган ҳолда);

коррупциявий хавф-хатар – ходимлар ёки учинчи шахслар томонидан Вазирлик номидан ва (ёки) уларнинг манфаатларини кўзлаб коррупциявий хатти-ҳаракатларни содир этиш хавфи;

коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш – Вазирлик томонидан амалга ошириладиган функцияларни таҳлил қилиш, уларнинг коррупциявий хавф-хатарга мойиллик даражасини аниқлаш, шунингдек функциялар доирасида амалга ошириладиган тегишли тартиб-таомиллар учун ўзига хос ва қолдиқ коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш фаолияти;

коррупциявий хавф-хатарларнинг бирлашган харитаси – Вазирликдаги коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш натижалари бўйича тузиладиган ва Вазирлик функциялари ва тартиб-таомилларининг умумий рўйхати, тегишли функцияларни амалга ошириш билан боғлиқ эҳтимолий коррупциявий хавф-хатар (схемалар) таснифи, ўзига хос ва қолдиқ коррупциявий хавф-хатарлар даражаси, уларни минималлаштириш чоралари ва аниқланган коррупциявий хавф-хатарни минималлаштириш чора-тадбирларини амалга ошириш учун масъул бўлган ходимлар лавозимларини ўз ичига олувчи бирлашган ҳужжат;

коррупциявий ҳаракатлар – ходим томонидан бевосита ёки билвосита шахсан ёки учинчи шахслар орқали пора берувчи манфаатлари йўлида ҳаракат ёки ҳаракатсизлик учун моддий манфаатдор бўлиши, шу жумладан пул, қимматбаҳо қоғоз, бошқа кўринишдаги мулк ва мулкрий ҳуқуқлар, мулкрий ҳарактердаги хизматлар олиш, талаб қилиш, ундириш, таклиф қилиш ёки бериш, пора бериш ва/ёки олиш ёки бунда воситачилик қилишда, расмиятчиликларни соддалаштириш учун тўловлар ундириш (пора олиш) ва бошқа ноқонуний мақсадларда ўз хизмат вазибаларидан ноқонуний фойдаланиш;

коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик – коррупция аломатларига эга бўлган, содир этилганлиги учун қонунчиликда жавобгарлик назарда тутилган қилмиш;

тартиб-таомил – Вазирлик функцияларини амалга ошириш доирасидаги ходимлар, бўлинмалар томонидан бажариладиган ёки битта натижага қаратилган, ёхуд маълум бир функциянинг ажралмас элементи ҳисобланган, аломатлар бўйича бир гуруҳга бирлаштириш мумкин бўлган ҳаракатлар йиғиндиси;

функция – бир нечта тартиб-таомилни ўз ичига олиши мумкин бўлган Вазирликнинг ички жараён (фаолият йўналишлари)ларидан бири;

эксперт фикри – аниқ факт ёки ҳодиса бўйича ходим ёки бўлинманинг субъектив қараши ёки фикрига асосланган қарори.

ўзига хос хавф-хатар – Вазирлик фаолияти ва амалга ошириладиган функциялари спецификасидан келиб чиқадиган хавф-хатари, шу билан бирга уни камайтиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширилиши ҳисобга олинмаган ҳолда (яъни, амалдаги коррупцияга қарши курашиш сиёсати ва тартиб-

таомиллари, хавф-хатарларни минималлаштиришга қаратилган чора-тадбирлар ва жорий этилган назоратлар ҳисобга олинмаган ҳолда);

худудий ёки таркибий бўлинманинг коррупциявий хавф-хатарлари харитаси – Вазирликнинг худудий ёки таркибий бўлинмасидаги коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш натижалари бўйича тузиладиган ҳамда орган ёки муассаса функциялари ва тартиб-таомилларининг умумий рўйхати, тегишли функцияларни амалга ошириш билан боғлиқ эҳтимолий коррупциявий хавф-хатар (схемалар) таснифи, ўзига хос ва қолдиқ коррупциявий хавф-хатарлар даражаси, уларни минималлаштириш чоралари ва аниқланган коррупциявий хатарни минималлаштириш чора-тадбирларини амалга ошириш учун масъул бўлган ходимлар лавозимларини ўз ичига олувчи ҳужжат.

6. Вазирликдаги коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш коррупцияга қарши ички назорат вазифаси юклатилган Молиявий оқимлар ва нарх сиёсати бошқармаси (кейинги ўринларда – Бошқарма) томонидан вазир ёки вазирнинг биринчи ўринбосари топшириғи асосида амалга оширилади. Бунда баҳолашни ўтказиш бўйича аниқ муддатлар кўрсатилади.

7. Коррупциявий хавф-хатарларни баҳолашда Бошқарма қуйидаги вазифаларни амалга оширади:

коррупцияга қарши курашиш бўйича масъулларни жалб қилган ҳолда вазирликда хавф-хатарларни баҳолаш жараёнини ташкиллаштиради;

вазирликда коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш жараёни устидан умумий назоратни амалга оширади;

вазирликдаги коррупцияга қарши курашиш бўйича масъуллар, шунингдек вазирлик марказий аппарати ва тизим ташкилотларига мазкур Услубиётда кўзда тутилган тартибга риоя қилиш бўйича маслаҳатлар беради;

марказий аппарат бўлинмаларининг коррупциявий хавф-хатарлар харитасини тузади ва вазирликнинг коррупцияга қарши курашиш йўналишига масъул бўлган вазирнинг биринчи ўринбосари билан келишади;

марказий аппарат ва тизим ташкилотларининг коррупциявий хавф-хатарлари харитасини вазирликнинг коррупциявий хавф-хатарларнинг бирлашган харитасига умумлаштиради;

вазир ёки вазирнинг биринчи ўринбосарига хавф-хатарларни баҳолаш натижалари ва коррупциявий хавф-хатарларнинг бирлашган харитасини тақдим этади;

тасдиқланган хавф-хатарлар харитаси асосида тизим ташкилотлари томонидан ишлаб чиқилган коррупцияга қарши курашиш бўйича дастурлар лойиҳаларини кўриб чиқади ва уларни қабул қилиш мақсадга мувофиқлиги тўғрисида хулоса беради;

марказий аппарат бўлинмаларининг коррупцияга қарши курашиш бўйича дастурини ишлаб чиқади ва вазирликнинг коррупцияга қарши курашиш йўналишига масъул бўлган вазирнинг биринчи ўринбосари билан келишади;

марказий аппарат ва тизим ташкилотларининг коррупцияга қарши курашиш бўйича дастури асосида вазирликнинг коррупцияга қарши курашиш дастурини ишлаб чиқади;

вазирликда коррупциявий хавф-хатарларни минималлаштириш бўйича чора-тадбирларини мувофиқлаштиради ва уларни назорат қилади;

ушбу Услубиётда кўзда тутилган бошқа вазифаларни амалга оширади.

Бошқарма зарур ҳолларда марказий аппарат таркибий бўлинма раҳбарлари ва коррупцияга қарши курашиш бўйича масъуллардан қўшимча ахборот ва ҳужжатларни талаб қилиб олади.

8. Коррупцияга қарши курашиш бўйича масъуллар қуйидаги вазифаларни амалга оширади:

марказий аппаратда коррупциявий хавф-хатарлар баҳоланишини ташкил қилади ва ўтказди;

вазирлик тизим ташкилотларида коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш жараёни устидан назоратни амалга оширади;

марказий аппарат ва тизим ташкилотларининг коррупциявий хавф-хатарлар харитаси тузилишини ва ушбу Услубиётда кўзда тутилган тартибда келишилишини таъминлайди;

марказий аппарат ва тизим ташкилотларининг коррупцияга қарши курашиш бўйича дастурларини ишлаб чиқилишини ва ушбу Услубиётда кўзда тутилган тартибда келишилишини таъминлайди;

марказий аппарат ва тизим ташкилотларида коррупциявий хавф-хатарларни минималлаштириш бўйича чора-тадбирларини амалга оширишни мувофиқлаштиради ва назорат қилади;

ушбу Услубиётда кўзда тутилган бошқа вазифаларни амалга оширади.

Коррупцияга қарши курашиш бўйича масъуллар зарур ҳолларда тегишли таркибий бўлинма ходимлари ва тизим ташкилотларидан қўшимча ахборот ва ҳужжатларни талаб қилиб олади.

2 боб. Коррупциявий хавф-хатарларни дастлабки баҳолаш

9. Вазирликда коррупциявий хавф-хатарларни дастлабки баҳолаш жараёни тегишли буйруқлар ва уларда кўрсатилган муддатлар асосида амалга оширилади.

Коррупциявий хавф-хатарларни дастлабки баҳолашнинг умумий муддати 3 ойдан ошмаслиги лозим.

10. Коррупциявий хавф-хатарларни дастлабки баҳолаш функцияларнинг коррупциявий хавф-хатарга мойиллик даражасини дастлабки баҳолаш ва тегишли функциялар доирасида Вазирлик ходимлари томонидан амалга ошириладиган

айрим тартиб-таомилларнинг коррупциявий хавф-хатар даражасини баҳолашни ўз ичига олади.

11. Коррупциявий хавф-хатарларни дастлабки баҳолаш, пастдан (тегишли тизим ташкилотлари) тепага (Вазирлик даражасигача), мазкур услубиётнинг 12-21 бандларида кўрсатилган тартиб ва кетма-кетликда амалга оширилади.

12. Бошқарма ушбу Услубиётга 1-иловада келтирилган Коррупциявий хавф-хатарлар харитасини ишлаб чиқиш бўйича Вазирликнинг марказий аппарати ва тизим ташкилотларига кўрсатма юборилишини таъминлайди.

Кўрсатмада тасдиқланган Коррупциявий хавф-хатарлар харитасини Бошқармага тақдим этиш муддатлари кўрсатилиб, бу муддат йигирма беш иш кунидан кам бўлмаслиги керак.

13. Вазирликнинг марказий аппарат таркибий бўлинмаларининг Коррупциявий хавф-хатарлар харитаси тегишли бўлинмалар томонидан ишлаб чиқилиб, Бошқармага марказий аппарат учун ягона Коррупциявий хавф-хатарлар харитасини тузиш мақсадида киритилади. Марказий аппарат таркибий бўлинмаларининг Коррупциявий хавф-хатарлар харитаси Бошқарма томонидан Вазирликнинг коррупцияга қарши курашиш йуналишига масъул раҳбар ўринбосари билан келишилади.

14. Вазирлик тизим ташкилотларининг Коррупциявий хавф-хатарлар харитаси тегишли бўлинманинг Коррупцияга қарши курашиш бўйича масъуллари томонидан ишлаб чиқилади ва тегишли ҳудудий ва таркибий бўлинма раҳбарлари билан келишилади. Тегишли раҳбар билан келишилган Коррупциявий хавф-хатарлар харитаси Бошқармага кўриб чиқиш учун киритилади.

15. Вазирлик марказий аппарати, Вазирлик тизим ташкилотлари томонидан ишлаб чиқилган Коррупциявий хавф-хатарлар харитасига оид саволлар юзага келган тақдирда, Бошқарма ходимлари тегишли таркибий бўлинмага изоҳ бериш ёки харитага тузатиш киритиш учун сўров юборади. Бунда, сўровга жавоб сўров олинган кундан бошлаб беш иш кунидан ошмаган муддатда юборилиши лозим.

16. Бошқарма ходимлари ўз экспертлик фикрига таянган ҳолда Коррупциявий хавф-хатарлар харитасига ўзгартиришлар киритишлари мумкин.

17. Марказий аппарат ва тизим ташкилотлари коррупциявий хавф-хатарлар хариталари асосида Бошқармага вазирликнинг коррупциявий хавф-хатарларнинг бирлашган харитасини ишлаб чиқади.

18. Коррупциявий хавф-хатарларнинг бирлашган харитасини тузиш муддати, марказий аппарат тизим ташкилотлари коррупциявий хавф-хатарлари харитаси тасдиқланган санадан бошлаб, ўн иш кунидан ошмаслиги керак.

19. Коррупциявий хавф-хатарларнинг бирлашган харитаси вазирлик Бошқарма тақдимномасига асосан вазир ёки вазирнинг биринчи ўринбосари томонидан тасдиқланади.

20. Қолдик коррупциявий хавф-хатарнинг юқори даражаси билан ифодаланадиган тартиб-таомиллар учун Бошқарма ва коррупцияга қарши курашиш учун бошқа тегишли масъуллар ушбу Услубиётнинг 2-иловасига мувофиқ коррупциявий хавф-хатарларга энг кўп мойил бўлган лавозимлар рўйхатини ишлаб чиқади.

21. Вазирликнинг коррупциявий хавф-хатарларга энг кўп мойил бўлган лавозимлар рўйхати Бошқарма ва коррупцияга қарши курашиш учун масъуллар тақдимномасига асосан вазир томонидан тасдиқланади.

22. Коррупцияга қарши курашиш бўйича масъуллар томонидан тасдиқланган Коррупциявий хавф-хатарларнинг харитасида белгиланган чора-тадбирларга асосан тизим ташкилотларнинг Коррупцияга қарши курашиш бўйича дастури ушбу Услубиётнинг 3-иловасига мувофиқ Коррупциявий хавф-хатарларнинг харитаси тасдиқланган санадан ўн иш куни ичида ишлаб чиқилиб тасдиқланади.

Вазирлик тизим ташкилотлари Коррупцияга қарши курашиш бўйича дастури Бошқарма билан келишилгандан сўнг тегишли Вазирлик тизим ташкилотлари раҳбарлари томонидан тасдиқланади.

23. Вазирликнинг Коррупцияга қарши курашиш дастури марказий аппарат бўлинмаларининг коррупциявий хавф-хатарларни минималлаштириш бўйича чора-тадбирларини инобатга олган ҳолда Бошқарма томонидан ишлаб чиқилади ҳамда вазир томонидан тасдиқланади.

3-боб. Коррупциявий хавф-хатарларнинг кейинги (ҳар йиллик) баҳоланиши

24. Вазирликда коррупциявий хавф-хатарларнинг кейинги баҳоланиши доимий равишда, бир йилда камида бир марта, қоида тариқасида йил бошида Энергетика вазирининг тегишли буйруғи асосида ўтказилади.

Кейинги (ҳар йиллик) коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш муддати 2 ойдан ошмаслиги лозим.

25. Йиллик коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш ушбу услубиётнинг 2-бобида кўрсатилган коррупциявий хавф-хатарларни дастлабки баҳолаш тартибида амалга оширилади.

26. Ҳар йиллик коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш бошланишидан олдин Бошқарма Вазирликнинг марказий аппарати, Вазирлик тизим ташкилотлари раҳбарларига олдинги баҳолаш даврига нисбатан қонунчиликда ёки ички идоравий ҳужжатларга киритилган ўзгаришларни аниқлаш мақсадида ушбу Услубиётга 4-иловага мос шаклда Сўровнома юборади.

27. Бошқарма марказий аппарат ва вазирлик тизим ташкилотлари раҳбарлари томонидан тўлдирилган Сўровномаларни йиғади, таҳлил қилади.

4-боб. Вазирликда амалга ошириладиган функциялар ва тартиб-таомилларнинг коррупциявий хавф-хатар даражасини баҳолаш тартиби

28. Коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш ташқи ва ички ахборот манбаларидаги маълумотлар таҳлили асосида амалга оширилади, жумладан:

Вазирликнинг функцияларини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва Вазирликнинг ички ҳужжатлари (мисол учун, таркибий бўлинмалар, ходимларнинг лавозим йўриқномалари тўғрисидаги низомлар ва ҳ.к.);

ички текширувлар материаллари, шу билан бирга хизмат текширувлари материаллари;

ички аудит ва коррупцияга қарши курашиш бўйича мониторинг натижалари;

одоб-ахлоқ комиссияси йиғилишлари натижалари;

манфаатдор томонлар, давлат хизмати олувчилар, экспертлар ва бошқа манфаатдор шахслар орасида ўтказилган сўров, жумладан ижтимоий тадқиқотлар натижалари бўйича Вазирликнинг ходимлари томонидан содир этилган коррупциявий ҳаракатларга оид мурожаатлар;

Вазирлик фаолиятидаги ҳуқуқбузарликларга оид статистик маълумотлар;

коррупциявий ҳаракатлар тўғрисида хабар беришга мўлжалланган алоқа каналларига келиб тушган жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари;

Вазирлик ходимлари томонидан содир этилган коррупциявий ҳаракатлар ёки одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилмаслик тўғрисида ОАВдаги маълумотлар;

ижтимоий тармоқларда қолдирилган изоҳлар;

ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари томонидан тақдим этилган материаллар, жумладан жиноят ишларига доир ахборотлар ва бошқалар.

29. Коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш жараёнида Вазирликнинг ҳар бир функцияси ва тартиб-таомили бўйича коррупциявий ҳаракатларни содир этилиши имкониятлар борлиги бўйича таҳлил қилиш лозим.

30. Ҳар бир функция куйидаги шкала бўйича баҳоланади:

Коррупциявий хавф-хатарларга энг кўп мойил бўлган функция;

Коррупциявий хавф-хатарларга энг кам мойил бўлган функция.

31. Ўрганилаётган функция доирасида амалга оширилаётган тартиб-таомилларнинг ўзига хос хавф-хатарини баҳолаш куйидаги мезонларга кўра амалга оширилади:

ўзига хос юқори хавф-хатар коррупциявий хавф-хатарларга энг кўп мойил бўлган функциялар доирасида амалга ошириладиган тартиб-таомилларга берилади;

ўзига хос ўрта хавф-хатар коррупциявий хавф-хатарларга энг кам мойил бўлган функциялар доирасида амалга ошириладиган тартиб-таомилларга берилади;

ўзига хос паст хавф-хатарлар кўзда тутилмаган ва Бошқарманинг асосли ҳулосаси асосида истисно тариқасида қўлланилиши мумкин.

32. Қолдиқ коррупциявий хавф-хатар даражасини баҳолаш хавф-хатарли ходисани амалга ошишининг эҳтимоли (мазкур Услубиётнинг 5-иловаси 5.1 жадвалдаги мезонларга қаранг) ва коррупциявий хавф-хатарнинг оқибат даражаси (мазкур Услубиётининг 5-иловаси 5.2 жадвалидаги мезонларга қаранг)ни ҳисобга олган ҳолда хавф-хатарлар аҳамиятлилик шаклидан фойдаланиб амалга оширилади (мазкур Услубиёти 5-иловасидаги 5.1 расм).

5 боб. Коррупциявий хавф-хатарнинг қолдиқ даражасини минималлаштириш чоралари

33. Коррупциявий хавф-хатарларни минималлаштириш чора-тадбирларини белгилашда:

ҳар бир чора Вазирлик ходимлари унинг мақсадлари, пировард натижаси ва маълум бир коррупциявий хавф-хатарни минималлаштириш билан алоқасини тушуниши учун аниқ ва равшан ифода этилиши;

ҳар бир чора учун уни амалга ошириш муддати ёки даврийлиги белгиланиши, уни амалга ошириш учун масъул шахслар, амалга оширилишини мониторинг қилиш ва самарадорлигини баҳолаш механизмлари аниқлаб олиниши зарур.

34. Вазирликнинг коррупциявий хавф-хатарлар харитасига киритилган, аниқланган коррупциявий хавф-хатарларни минималлаштириш чора-тадбирлари Вазирликнинг Коррупцияга қарши курашиш дастурларига ҳам киритилади (мазкур Услубиётининг 6-иловаси).

35. Вазирликдаги коррупциявий хавф-хатарларни минималлаштириш чора-тадбирларини амалга ошириш устидан назорат Бошқарма томонидан амалга оширилади.

6 боб. Яқуний қоидалар

36. Зарурат бўлганда, Вазирликнинг коррупциявий хавф-хатарлар харитаси ва коррупцияга қарши курашиш дастурига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш билан боғлиқ масалалар бўйича Бошқарма томонидан Вазирга таклифлар киритилади.

Энергетика вазирлигида коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш услугиётига
1-илова

**Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлигининг
Коррупциявий хавф-хатарлар харитаси**

| № | Функция номи | Функциянинг коррупциявий хавф-хатарга мойиллик даражаси(энг қўп мойил / энг кам мойил) | Функция доирасида бажарилаётган тартиб-таомил номи | Тартиб-таомилни бажариш учун масъул бўлган шахслар (лавозими, бўлинмаси) | Эҳтимолий коррупциявий схема (хавф-хатар)нинг қисқача таърифи | Ўзига хос коррупциявий хавф-хатар (юқори/ўрта/паст) | Мавжуд назорат тартиб-таомиллари / коррупциявий хавф-хатарларни минималлаштириш чоралари | Назорат тартиб-таомиллари/коррупциявий хавф-хатарларни минималлаштириш чора-тадбирларини тартибга солувчигеёрий-ҳуқуқий ва ички ҳужжатлар | Назорат тартиб-таомиллари/коррупциявий хавф-хатарларни минималлаштириш чора-тадбирларини амалга ошириш учун масъул шахслар (лавозими, бўлинмаси) | Қолдиқ хавф-хатар даражаси (юқори / ўрта / паст) | Коррупциявий хавф-хатарларни минималлаштириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш муддатлари | Изоҳлар (зарур ҳолларда) |
|---|--------------|--|--|--|---|---|--|---|--|--|---|--------------------------|
| 1 | | | | | | | | | | | | |
| 2 | | | | | | | | | | | | |

1. Бўлинма

1.1. Орган ёки муассаса номи

1.2. Департамент/Бошқарма

1.3. Бўлим

2. Тўлдириш учун масъул

2.1. ФИШ

2.2. Лавозими

2.3. Боғланиш учун (электрон почта, телефон)

Энергетика вазирлигида коррупциявий
хавф-хатарларни баҳолаш услубиётига
2-илова

**Коррупция хавф-хатарига энг кўп мойил бўлган лавозимлар
РЎЙХАТИ**

| № | Ташкилот номи | Ташкилот тузилмаси номи | Лавозим (функцияларини бажариш учун масъул бўлган шахсларни кўрсатган ҳолда) |
|----------|----------------------|--------------------------------|---|
| 1.1. | | | |
| ... | | | |
| 2.1. | | | |
| ... | | | |

Энергетика вазирлигида
коррупциявий хавф-хатарларни
баҳолаш услубиётига
3-илова

Энергетика вазирлиги ва вазирлик мутасаддилик қиладиган ташкилотларда
коррупцияга қарши курашиш дастури

| № | Ташкилот номи | Коррупциявий хавф-хатарни миниммаллаштириш бўйича чоралар/тадбирлар/гартиб-таомиллар | Амалга ошириш механизми | Бажариш муддатлари | Масъул ижрочилар (ФИШ, лавозими) |
|------|---------------|--|-------------------------|--------------------|----------------------------------|
| 1.1. | | | | | |
| 1.2. | | | | | |
| ... | | | | | |
| 2.1. | | | | | |
| 2.2. | | | | | |
| ... | | | | | |

**Коррупциявий хавф-хатарларни кейинги босқичда баҳолаш учун Энергетика вазирлиги тизими
бўлинмаларини таснифлаш бўйича сўровнома
ШАКЛИ**

Қуйидаги саволларга жавоб берсангиз (кераклигисини тагига чизинг):

1. Коррупциявий хавф-хатар сўнгги мартта баҳолангандан сўнг қонунчиликда қандайдир ўзгаришлар содир бўлганми? Агар жавоб ижобий бўлса, қуйида келтирилган жадвалга тегишли маълумотларни киритинг.

А) Ҳа Б) Йўқ

2. Таркибий бўлинмангиз томонидан бажариладиган тузилма ёки функция фаолиятини тартибга солувчи ички хужжатларда коррупциявий хавф-хатар сўнгги мартта баҳолангандан сўнг қандайдир ўзгаришлар содир бўлганми? Агар жавоб ижобий бўлса, қуйида келтирилган шаклга тегишли маълумотларни киритинг.

А) Ҳа Б) Йўқ

3. Коррупциявий хавф-хатар сўнгги мартта баҳолангандан сўнг давлат бошқарув органлари фаолияти/тузилмасида таркибий бўлинмангиз томонидан бажарилаётган функцияга таъсир қилган/таъсир қилиши мумкин бўлган қандайдир ўзгаришлар юз бердимми? Агар жавобингиз ижобий бўлса, қуйида келтирилган шаклга тегишли маълумотларни киритинг.

А) Ҳа Б) Йўқ

4. Коррупциявий хавф-хатарларни аввалги баҳолашда кўзда тутилган коррупциявий хавф-хатарларни минималлаштириш чора-тадбирлари амалга оширилдимми? Нима ва қачон амалга оширилганини таърифлаб беринг. Агар амалга оширилмаган ёки қисмай амалга оширилган бўлса, сабабини ёзинг.

А) Ҳа Б) Йўқ В) Қисман амалга оширилган

5. Давлат органи/идораси тизими бўлинмаларида функцияларни бажариш ва тартиб-таомилларни амалга оширишга таъсир кўрсатиши мумкин бўлган бошқа шарт-шароитлар мавжудми? Агар жавобингиз ижобий бўлса, қуйида келтирилган жадвалга тегишли маълумотларни киритинг.

А) Ҳа Б) Йўқ

| № | Ташкилот номи | Ташкилот тузилмаси номи | Функциялар ўзгаргани сабаблари | Ўзгарган функция таърифи | Функция доирасида бажарилаётган янги/ўзгарган тартиб-таомиллар | Тартиб-таомилларни бажариш учун масъул шахслар (ФИШ, лавозими) |
|--------|---------------|-------------------------|--------------------------------|--------------------------|--|--|
| 1.1.1. | | | | | | |
| 1.1.2. | | | | | | |
| ... | | | | | | |

Давлат органи/идораси /давлат органи/идораси тизими муассасаси _____

Бўлинма _____

Тўлдираётган шахснинг лавозими _____

Тўлдираётган шахснинг ФИШ _____

Имзо _____

Тўлдириш санаси _____

**5.1-жадвал – Коррупциявий хавф-хатар эҳтимоли даражасини
аниқлаш мезонлари**

| Эҳтимоли | Таърифи |
|---------------|--|
| Юқори | <ul style="list-style-type: none"> – Ўзига хос хавф-хатар даражаси юқори – Назорат тадбирларининг мавжуд эмаслиги / сезиларли даражада кам-кўстини тўлдириш керак бўлган назорат тадбирларининг мавжудлиги – Тартиб-таомилни ички ҳужжатлар ёрдамида аниқ тартибга солиниши мавжуд эмаслиги – Тартиб-таомилни автоматлаштириш мавжуд эмаслиги/даражаси пастлиги |
| Ўртача | <ul style="list-style-type: none"> – Ўзига хос хавф-хатар даражаси ўрта – Тартиб-таомил тартибга солинган, кам-кўстини оз миқдорда тўлдириш керак бўлган назорат тадбирлари жорий этилган – Тартиб-таомил тартибга солинган, қисман автоматлаштирилган, бироқ етарли даражада шаффоф эмас – Ўзига хос хавф-хатар даражаси юқори хавф-хатарни камайтириш учун етарли бўлган назорат тадбирлари, жумладан Вазирликнинг ички ҳужжатлари билан тартибга солинган, камида учта шахс томонидан кросс-функционал назорат (Энергетика вазирлиги ва вазирлик мутасаддилик қиладиган ташкилотларининг назорат қилиниши)ни кўзда тутувчи назорат тадбирларининг мавжудлиги – Тартиб-таомил қисман ёки тўлиқ автоматлаштирилган |
| Паст | <ul style="list-style-type: none"> – Ўзига хос хавф-хатар даражаси паст – Ўзига хос хавф-хатар даражаси ўрта ҳамда хавф-хатарни камайтириш учун етарли бўлган назорат тадбирлари, жумладан ички ҳужжатлар билан тартибга солинган, камида |


| Эҳтимоли | Таърифи |
|----------|---|
| | <p>учта шахс томонидан кросс-функционал назоратни кўзда тутувчи назорат тадбирларининг мавжудлиги</p> <p>— Тартиб-таомил тўлиқ автоматлаштирилган</p> |

5.2-жадвал – Коррупциявий хавф-хатарнинг оқибат (таъсирчанлик) даражасини аниқлаш мезонлари

| Оқибат даражаси | Обрўга путур етказиш | Жавобгарлик |
|-----------------|---|--|
| Юқори | <p>— Хавф-хатар Вазирликнинг мамлакат ва халқаро миқёсдаги обрўсига сезиларли равишда путур етказди</p> | <p>— Вазирлик ходимларига нисбатан жиноий иш қўзғатиш учун тегишли органларга хужжат юбориш ташаббуси билан чиқиш</p> |
| Ўрта | <p>— ОАВда салбий ҳодисанинг ёритилиши;</p> <p>— Аҳоли ва ҳамкорлардан салбий фикрлар ва шикоятлар олиш;</p> <p>— хавф-хатар Вазирлик обрўсига маҳаллий даражада путур етказди.</p> | <p>— Вазирлик ходимларига нисбатан маъмурий суриштирув ўтказиш учун хужжатларни Коррупцияга қарши курашиш агентлигига юбориш ташаббуси билан чиқиш</p> |
| Паст | <p>— Аҳоли, маҳаллий ОАВлардан вазиятга изоҳ беришни сўраб алоҳида сўровлар тушиши мумкин</p> | <p>— Давлат органи/идораси тизими ходимларига нисбатан хизмат текшируви ўтказиш ташаббуси билан чиқиш мумкин</p> |

5.1-расм. Қолдиқ хавф-хатар даражасини аниқлаш шакли

ТАЪСИРЧАНЛИК ДАРАЖАСИ



ЭЪТИМОЛЛИК ДАРАЖАСИ